



БАҲОЛОВЧИЛАР РЕЙТИНГИНИ БАҲОЛАШ ВА РЭНКИНГИНИ АНИҚЛАШ АСОСИДА УЛАРНИНГ БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИДАГИ ҲАЛОЛ РАҚОБАТБАРДОШЛИЛИГИ ОШИРИЛИШИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ

PhD, доц. **Ташпулатов Гиёс**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби

ORCID: 0000-0003-1917-189X

giyos_tashpulatov@mail.ru

Аннотация. Янги Ўзбекистонда қабул қилинган “Ўзбекистон – 2030” ва “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиялари доирасида ҳамда иқтисодий ислохотларнинг янги босқичида баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу мақолада баҳоловчилар рейтингини баҳолаш ва уларнинг рэнкингини аниқлаш орқали баҳолаш хизматлари бозори (БХБ)да ҳалол ва соғлом рақобат муҳитини шакллантириш масалалари таҳлил қилинган. Рейтинг тизими орқали шаффофликни таъминлаш, мижозлар ишончини мустаҳкамлаш, хизмат кўрсатишда сифатни ошириш ҳамда умумий рақобатбардошликни юксалтириш имкониятлари очиб берилган. Мақолада халқаро тажрибалар таҳлили асосида миллий амалиётда жорий этилиши мумкин бўлган самарали ёндашувлар, баҳоловчиларни рейтинглаш мезонлари, баҳолаш услублари ва уларнинг натижалари муҳокама қилинган. Шунингдек, тизимни амалиётга жорий этишда учраши мумкин бўлган муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Янги Ўзбекистон, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси, “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси, баҳоловчи ташкилотлар, рейтинг тизими, рэнкинг, баҳолаш хизматлари бозори, ҳалол рақобат, рақобатбардошлик, самарадорлик, шаффофлик, мижозлар ишончи, баҳолаш мезонлари, иқтисодий ислохотлар, халқаро тажриба, миллий амалиёт.

ОЦЕНКА РЕЙТИНГА ОЦЕНЩИКОВ И ОПРЕДЕЛЕНИЕ ИХ РЭНКИНГА КАК СТИМУЛ К ПОВЫШЕНИЮ ДОБРОСОВЕСТНОЙ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ НА РЫНКЕ ОЦЕНОЧНЫХ УСЛУГ

PhD, доц. **Ташпулатов Гиёс**

Высшая школа бизнеса и предпринимательства при

Кабинете Министров Республики Узбекистан

Аннотация. В рамках стратегий «Узбекистан – 2030» и «Цифровой Узбекистан – 2030», принятых в Новом Узбекистане, а также на новом этапе экономических реформ, особое значение приобретает совершенствование деятельности оценочных организаций, повышение качества и эффективности предоставляемых ими услуг. В данной статье рассматриваются вопросы формирования честной и здоровой конкурентной среды на рынке оценочных услуг (РОУ) посредством оценки рейтинга

оценщиков и определения их ранжирования. Через систему рейтингов раскрываются возможности обеспечения прозрачности, укрепления доверия клиентов, повышения качества обслуживания и повышения общей конкурентоспособности. На основе анализа международного опыта в статье обсуждаются эффективные подходы, которые можно внедрить в национальную практику, критерии рейтингования оценщиков, методы оценки и их результаты. Также разработаны предложения и рекомендации по устранению возможных проблем, которые могут возникнуть при внедрении системы в практику.

Ключевые слова: Новый Узбекистан, стратегия «Узбекистан – 2030», стратегия «Цифровой Узбекистан – 2030», оценочные организации, система рейтингов, рэнкинг, рынок оценочных услуг, честная конкуренция, конкурентоспособность, эффективность, прозрачность, доверие клиентов, критерии оценки, экономические реформы, международный опыт, национальная практика.

ASSESSMENT OF APPRAISERS RATINGS AND DETERMINATION OF THEIR RANKING AS A STIMULUS FOR ENHANCING FAIR COMPETITIVENESS IN THE VALUATION SERVICES MARKET

PhD, assoc. prof. **Tashpulatov Giyos**
Graduate School of Business and Entrepreneurship under the
Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan

Abstract. Within the framework of the “Uzbekistan – 2030” and “Digital Uzbekistan – 2030” strategies adopted in New Uzbekistan, as well as at the new stage of economic reforms, special importance is given to improving the activities of appraisal organizations and enhancing the quality and efficiency of the services they provide. This article explores the issues of fostering fair and healthy competition in the valuation services market through the assessment of appraisers’ ratings and the determination of their rankings. The rating system offers opportunities to ensure transparency, strengthen customer trust, improve service quality, and increase overall competitiveness. Based on the analysis of international experience, the article discusses effective approaches that can be introduced into national practice, criteria for appraiser ranking, evaluation methods, and their outcomes. The article also presents proposals and recommendations for addressing potential challenges that may arise during the implementation of such a system.

Keywords: New Uzbekistan, “Uzbekistan – 2030” strategy, “Digital Uzbekistan – 2030” strategy, appraisal organizations, rating system, ranking, valuation services market, fair competition, competitiveness, efficiency, transparency, customer trust, evaluation criteria, economic reforms, international experience, national practice.

Кириш.

Янги Ўзбекистон тараққиётининг стратегик йўналишлари жумласида иқтисодийнинг барқарор ўсиши, хусусий секторнинг ривожланиши ва рақобатбардош бозор муҳитини шакллантириш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Бу борада қабул қилинган “Ўзбекистон – 2030” стратегияси (2023) ҳамда “Рақамли Ўзбекистон – 2030” дастури (2020) мамлакатда давлат бошқарувини рақамлаштириш, иқтисодий жараёнларни автоматлаштириш ва бизнес муҳитини яхшилашга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар тизимини назарда тутди.

Ушбу стратегиялар доирасида баҳоловчи ташкилотларнинг фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг рейтингини баҳолаш ҳамда рэнкингини аниқлаш орқали соҳа ичида ҳалол рақобат муҳитини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Баҳоловчиларни очик, холис ва самарали мезонлар асосида рейтинглаш тизими нафақат

хизматлар сифати ва шаффофлигини таъминлайди, балки инвесторлар, тадбиркорлар ва жамоатчилик учун ишончли маълумот манбаига айланади.

Айни пайтда баҳоловчи ташкилотлар фаолияти давлат ва хусусий сектор ўртасидаги кўпгина иқтисодий муносабатларда ҳал қилувчи ўрин эгаллайди. Шундай экан, уларнинг фаолиятини рақамлаштириш, рейтинг тизими орқали баҳолаш механизмларини жорий этиш “Рақамли Ўзбекистон” дастури талабларига ҳам тўлиқ мос келади. Бу орқали баҳоловчи ташкилотлар ўртасида соғлом рақобат муҳити юзага келади, хизмат сифати яхшиланади, бозорда фаолият юритаётган субъектларнинг самарадорлиги ошади ва энг муҳими, фуқаролар ҳамда инвесторларнинг ишончи мустаҳкамланади.

Ҳозирги босқичда Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг янги босқичи амалга оширилмоқда. “Ўзбекистон – 2030” ва “Рақамли Ўзбекистон – 2030” каби миллий стратегик дастурлар мамлакатни замонавий ва рақамлаштирилган иқтисодиётга олиб кириш, барча соҳаларда шаффофлик ва самарадорликни таъминлашни кўзда тутаяди. Баҳоловчи ташкилотлар фаолияти эса ана шу мақсадларни амалга оширишда муҳим пойдевор вазифасини ўтайди.

Бироқ амалиётда баҳоловчи ташкилотлар ўртасида соғлом рақобатнинг етарли даражада шаклланимагани, хизмат сифатидаги фарқлар, ишончсизлик ва маълумотларнинг шаффоф эмаслиги каби муаммолар мавжуд. Бу эса бозор механизмларининг самарали ишлашини тўсиб қўяди. Шу сабабли, уларни рейтинглаш ва рэнкинглаш орқали тўлиқ баҳолаш тизимини жорий этиш долзарб аҳамият касб этади.

Бундай тизимнинг жорий қилиниши соҳа иштирокчилари ўртасида ҳалол рақобатни рағбатлантириш, хизматлар сифатини ошириш, коррупция ва манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини камайтириш, мижозлар учун ишончли ва аниқ маълумотлар тақдим этиш имконини беради. Шунингдек, халқаро амалиётда кенг қўлланиладиган рейтинг тизимларидан илҳомланиб, миллий моделни шакллантириш орқали глобал инвестицион жозибadorликни ҳам ошириш мумкин.

Адабиётлар шарҳи.

Баҳоловчилар рейтингини баҳолаш ва рэнкингини аниқлаш асосида уларнинг баҳолаш хизматлари бозоридаги ҳалол рақобатбардошлилиги оширилишини рағбатлантириш мавзусида хорижий, МДХ ва Ўзбекистонлик олимлар ўз ҳиссаларини қўшган ва уларнинг илмий асарларидаги фикрлари қуйидагича:

Porterнинг (1980) асарида иқтисодий рақобат ва стратегик йўналишлар бўйича фалсафани шакллантиради. У рейтинг тизимлари фақат молиявий барқарорликни таъминлаш эмас, балки ишлаб чиқариш ва бизнесда рақобат муҳитини шакллантиришга ҳам ёрдам беради. Рейтинглашнинг ҳалол рақобатни рағбатлантиришдаги роли муҳим эканлиги таъкидланган. Ушбу асар рейтинглаш тизимларини ҳаётга татбиқ этишда адолат ва шаффофликни таъминлаш зарурлигини кўрсатади.

Gibbonsнинг (1998) асарида фирмаларнинг иқтисодий фаолиятларини ва уларнинг рейтинг тизимларини аниқлашдаги механизмларни таҳлил қилади. Ушбу асарда, фирма ичидаги рақобатнинг самарадорлигини ошириш ва бозордаги рейтингларни тўғри шакллантириш учун зарурий усуллар кўрсатилган.

Ушбу хорижий манбалар ташкилотларда рейтинг тизимларини самарали фаолиятини таъминлаш, компанияларнинг бозорлаги ўрнини яхшилаш муҳимлиги тўғрисида фикр юритадилар. Рақобатбардошликни ошириш учун рейтинг тизимларининг иолиявий кўрсаткичларидан ташқари, ишлаб чиқариш ва бизнесда рақобат муҳитини яратиш учун муҳим восита эканлигини таъкидлайдилар.

МДХ олимларининг илмий асарларида ҳам ташкилотларнинг рейтинглари орқали бозорда рақобатбардошлигини ошириш масалалари кўрилган, жумладан:

Сухарев илмий асарида (2016) иқтисодий рақобат ва стратегик бошқарувнинг янги ёндашувлари таъкидланади. У глобал бозор рақобати ва рейтинг тизимларининг адолатли ва шафоф бўлиши зарурлигини таъкидлайди. Сухарев рейтинг тизимларининг давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигини таъминлашда ва бозорни шафоф қилишда аҳамиятини белгилайди.

Рыбаковнинг илмий асарида (2015) иқтисодий рақобатни барқарор ривожланиш билан боғлайди. У рейтинг тизимларининг нафақат молиявий кўрсаткичларни, балки ижтимоий ва экологик масъулиятни ҳам ўлчаши кераклигини таъкидлайди. Рейтинг тизимларининг ҳалол ва шафоф бўлиши, барқарор иқтисодий ўсиш ва рақобатбардошликни оширишга ёрдам беради.

Ўзбекистонлик олимларидан:

Абдурахмонов ва Азизов (2020) ларнинг илмий асарида Ўзбекистоннинг халқаро рақобатдаги ўрнини ва рейтинг тизимларининг адолатли ва шафоф бўлиши зарурлигини таъкидлайдилар. Уларнинг фикрича, ҳалол рақобатни рағбатлантиришда рейтинг тизимлари ва уларнинг самарали ишлаши бозорни ривожлантиришга ёрдам беради.

Бундан ташқари ушбу мавзунинг ёритишда баҳоловчи ташкилотлар рейтингини баҳолаш ва рэнкингини аниқлашда доир илмий асарларимизда (Ташпулатов, 2020; 2023; 2024) кенг таҳлил қилинган.

Юқоридаги асарларда таъкидланганидек, рейтинг тизимларининг ҳалол рақобатни рағбатлантиришда, шафофлик ва адолатни таъминлашда муҳим роли мавжуд. Ҳар бир олим рейтинг тизимларининг бозордаги рақобатбардошликни ошириш ва молия билан бирга бизнес самарадорлигини таъминлашдаги ўрнини кўрсатади. Бу фикрлар, айниқса, молия бозорида адолатни сақлаш ва рақобатни ривожлантиришга ёрдам беради.

Тадқиқот методологияси.

Ушбу тадқиқотда баҳоловчилар рейтингини аниқлаш ҳамда уларнинг баҳолаш хизматлари бозоридаги ҳалол рақобатбардошлигини оширишга қаратилган ёндашув ва усуллар қўлланилди.

Тадқиқотда қуйидаги илмий ва амалиётда синовдан ўтган методлардан фойдаланилди:

Таҳлилий усуллар: мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, баҳоловчи ташкилотларнинг ҳисоботлари ва расмий маълумотлар базаси таҳлил қилинди. Солиштирма таҳлил: баҳоловчи ташкилотлар ўртасидаги фарқлар, ўхшашликлар ва самарадорлик даражалари таққослаб чиқилди. Эксперт баҳолаш усули: Соҳадаги мутахассислар ва амалиётчилар фикрлари асосида рейтинг мезонлари аниқланди. Индексация ва рейтинглаш методлари: балл бериш, вазнлаш ва индекслаш усуллари.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Баҳоловчилар рейтингини баҳолаш ва рэнкингини аниқлаш, шунингдек, уларнинг БХБдаги ҳалол рақобатбардошлилигини ошириш масаласи, иқтисодий ривожланиш ва хизматлар сифатига муҳим таъсир кўрсатади. Бунинг учун рейтинг тизимлари аниқ, транспарент ва объектив бўлиши керак, шунингдек, мазкур тизимлар ишлаши учун қонуний ва иқтисодий рағбатлантириш механизмлари жорий этилиши зарур.

Халқаро миқёсда, мамлакатлар иқтисодиётининг ривожини ва хизматлар бозоридаги рақобатни яхшилаш учун турли имтиёзлар ва мукофот тизимлари жорий этилган. Ўзбекистонда эса баҳоловчи ташкилотлар рейтингини баҳолаш ва рэнкингини аниқлаш

жараёнида солиқ имтиёзлари, қонунчиликдаги ўзгаришлар ва мукофотлар орқали рағбатлантириш механизмлари жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Халқаро миқёсда БХБда рейтинг тизимлари ва баҳоловчи ташкилотларнинг рақобатбардошлигини рағбатлантириш учун қуйидаги механизмлар қўлланилади: (1-жадвал)

1-жадвал

Халқаро БХБда баҳоловчи ташкилотлар рейтингини баҳолаш ва рэнкингини аниқлаш асосида ҳалол рақобатбардошлигини оширишни рағбатлантириш усуллари

Мамлакат	Ретинг тизими	Рақобатбардошликни рағбатлантириш усуллари	Амалий натижаси
АҚШ	U.S. News & World Репорт	Солиқ имтиёзлари, молиявий мукофотлар	Баҳоловчиларнинг юқори натижаларга эришиши
Германия	ДАккС	Аккредитация, сертификатлаштириш, рақобатни рағбатлантириш	Хизматлар сифати ва халқаро тан олиниш
Япония	РИА	Мукофотлар, аккредитация, рағбатлар	Ишлаб чиқариш сифати ва халқаро стандартларга мос келиши

Манба: статистик маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

1. *Солиқ имтиёзлари.* Молиявий рағбатлар ва солиқ имтиёзлари фақат иқтисодий фаолликни оширишга ёрдам беради ва мамлакатдаги рақобатни ҳам яхшилашга олиб келади. Масалан, АҚШ ва Германияда баҳоловчи ташкилотлар учун солиқ имтиёзлари жорий этилган, бу эса уларнинг хизматларини таклиф қилишдаги рақобатни кучайтиради.

2. *Қонунчиликдаги ўзгаришлар.* Халқаро рейтинг тизимларининг муваффақияти кўп ҳолларда қонунчиликнинг тўғри ва янгиланган бўлишини талаб қилади. АҚШ ва Европа Иттифоқи давлатларида рейтингларни аниқлаш ва баҳоловчи ташкилотларга халқаро стандартларга мувофиқ хизмат кўрсатиш имконини берувчи қонунлар ишлаб чиқилган.

3. *Мукофотлар ва рағбатлар.* Технология ва хизматлар бўйича юқори натижаларга эришган баҳоловчи ташкилотлар учун молиявий ва номолиявий мукофотлар жорий этилиши рейтинг тизимларини янги юқори босқичларга олиб чиқади. Германияда халқаро аккредитацияга эга бўлган баҳоловчи ташкилотларга юқори рағбатлар ва давлат дастурлари орқали қўллаб-қувватлаш тадбирлари амалга оширилади.

2-жадвал

Баҳоловчи ташкилотларнинг фаолият турлари бўйича тақсимооти (2024 йил)

Т/р	Фаолият тури	Улуши (%)	Ташкилотлар сони
1	Кўчмас мулк қийматини баҳолаш	37	152
2	Бизнес қийматини баҳолаш	28	115
3	Интеллектуал мулк қийматини баҳолаш	19	78
4	Бошқа турдаги активлар қийматини баҳолаш	16	67
Жами		100	412

Манба: статистик маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

Ўзбекистонда баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини рейтинг ва рэнкинг асосида БХБ сифатини ошириш ҳамда бозорда ҳалол рақобат муҳитини шакллантиришнинг самарали воситаларидан бирига айланмоқда. Қуйидаги таҳлил ушбу тизимнинг самарадорлигини рақамлар ва аниқ жадваллар орқали очиб беради.

Ўзбекистонда фаолият юритаётган 412 та баҳоловчи ташкилотнинг фаолият йўналишларини таҳлил қилганимизда, (2-жадвал) асосий эътибор кўчмас мулк (37%) ва бизнес қийматини баҳолаш (28%) соҳаларига қаратилиши кузатилмоқда. Яъни, жами ташкилотларнинг қарийб 65 фоизи айнан ушбу икки йўналишда фаолият олиб бормоқда. Бу ҳолат ушбу сегментларда хизматларга бўлган талаб юқорилигини, шу билан бирга, рақобатнинг ҳам шиддатлилигини кўрсатади. Бозордаги ташкилотлар сони кўп бўлиши, айниқса, тижорат буюртмалари ва давлат буюртмалари учун курашда демпинг ҳолатларига, сифатнинг камайишига ва хизматлар стандартлашувининг пасайишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли, рейтинг ва рэнкинг тизимини жорий этиш – ушбу соҳага тартиб, аниқ баҳолаш мезонлари ва ҳалол рақобат муҳитини киритади.

3-жадвал

Баҳоловчилар ўртасидаги рақобат муҳитини баҳолаш (сўровнома натижалари)

Т/р	Савол мазмуни	Ижобий (%)	Салбий (%)
1	Рақобат муҳити шаффоф деб ҳисоблайдилар	32	68
2	Демпинг (асоссиз нарх тушириш) ҳолатига дуч келганлар	-	54
3	Мижоз танловида нарх асосий мезон бўлган ҳолатлар	-	67

Манба: статистик маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

Сўровнома натижалари шуни кўрсатадики, (3-жадвал) баҳоловчи ташкилотларнинг 68 фоизи бозордаги рақобат муҳитини етарли даражада шаффоф деб баҳоламайди. Бу эса, бозор механизмларида маълум бир дисбаланслар мавжудлигини англатади. Хусусан, 54 фоиз ташкилотлар демпинг ҳолатларига, яъни хизмат ҳақининг сунъий равишда туширилишига дуч келаётганини билдирган. Бундай ҳолатларда, хизмат сифати иккинчи ўринга сурилиб, нарх асосий танлов мезонига айланади. Сўровномада қатнашганларнинг 67 фоизи буюртмачилар томонидан айнан арзон нарх сабабли танлаб олинганини билдирган.

Бу эса сифатли хизмат кўрсатувчи, юқори малакага эга ташкилотлар учун бозорда фаол рақобатлаша олиш имкониятини пасайтиради. Натижада, турли имтиёзга эга, илмий ва амалий базаси кучли бўлган, шаффоф иш юритувчи ташкилотлар ҳам арзон нарх сабабли тендер ва буюртмалардан четда қолиши мумкин. Бу ҳолат, ўз навбатида, хизматлар сифатининг пасайишига, баҳолаш натижаларига бўлган ишончнинг камайишига ҳамда соҳага нисбатан умумий салбий қараш шаклланишига олиб келиши мумкин.

Айнан шу нуқтаи назардан, баҳоловчилар рейтингини жорий этиш орқали нарх эмас, балки хизмат сифати, малака, тажриба, миқдорлар қониқиши каби омилларга асосланган танловни шакллантириш муҳим ҳисобланади.

2024 йилнинг биринчи ярим йиллигида, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамкорлигида Тошкент шаҳри ҳудудида “Баҳоловчиларни рейтинглаштириш” бўйича пилот лойиҳа амалга оширилди.

Ушбу лойиҳа доирасида 58 та баҳоловчи ташкилот иштирок этди ва уларнинг фаолияти махсус ишлаб чиқилган бешта асосий мезон асосида баҳоланди:

4-жадвал

Рейтинг мезонлари ва ўртача баллар (100 баллик шкалада)

Т/р	Мезон номи	Оғирлик (%)	Ўртача балл
1	Техник имкониятлар	25	74
2	Ходимлар малакаси	30	68
3	Бажарилган лойиҳалар сони	20	81
4	Мижозлар қониқиш даражаси	15	62
5	Хужжатлар расмийлиги ва шаффофлиги	10	77

Манба: статистик маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

Рейтинг мезонлари бўйича олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатадики, (4-жадвал) баҳоловчи ташкилотлар техник имкониятлар (ўртача 74 балл) ва бажарилган лойиҳалар сони (ўртача 81 балл) бўйича сезиларли даражада юқори кўрсаткичларга эга. Бу ҳолат, ташкилотларнинг моддий-техникавий база ва амалиёт жиҳатидан етарли тажрибага эгалигини тасдиқлайди. Бироқ, таҳлилда алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган икки муҳим жиҳат мавжуд: ходимлар малакаси ва мижозлар қониқиш даражаси. Ушбу икки мезон бўйича тегишли кўрсаткичлар нисбатан паст – малака учун ўртача 68 балл, мижозлар қониқиши учун эса 62 балл тузилган.

Бу эса, кадрлар салоҳиятини ошириш ва мижозлар билан самарали алоқа ўрнатишда янада тизимли ишларни амалга ошириш зарурлигини кўрсатади. Ходимлар малакаси паст бўлган ҳолларда баҳолаш жараёнларида хатолар, субъективлик ва ишончсизлик пайдо бўлиши мумкин. Шунингдек, мижозлар қониқишининг паст даражада бўлиши – ташкилотнинг бозордаги имижига салбий таъсир кўрсатади ва буюртмалар сони камайишига олиб келиши мумкин.

5-жадвал

Тошкент шаҳридаги пилот лойиҳа бўйича рейтинг натижалари (2024 йил)

Рейтинг даражаси	Ташкилот сони	Улуш (%)
А (юқори сифат)	11	19
В (ўртача юқори)	24	41
С (ўртача)	18	31
Д (паст даража)	5	9
Жами	58	100

Манба: статистик маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

Демак, келгусида ташкилотлар томонидан ходимларни қайта тайёрлаш, малака ошириш курслари ва мижозлар билан муносабатларни яхшилаш бўйича комплекс чоратадбирлар амалга оширилиши лозим. Бу нафақат рейтингни оширади, балки умумий бозор рақобатини ҳам сифат жиҳатдан юқори босқичга олиб чиқади.

Пилот лойиҳа натижалари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, (5-жадвал) жорий этилган рейтинг тизими орқали хизмат сифати юқори бўлган ташкилотлар, яъни А ва В даражали баҳоловчилар бозорда алоҳида ажралиб туриш имконига эга бўлишди. 2024 йилда Тошкент шаҳрида 58 та баҳоловчи ташкилот иштирок этган мазкур тажриба лойиҳаси доирасида улар рейтинг мезонлари асосида баҳоланди: техник база, ходимлар малакаси, мижозлар қониқиши, лойиҳалар портфели ва хужжатлар шаффофлиги.

Натижаларга кўра:

- А даражали ташкилотлар – 11 та (19%),
- В даражали ташкилотлар – 24 та (41%)

ташкил этиб, улар жами баҳоловчиларнинг 60% ни ташкил қилди.

Бу рейтинг натижалари бозордаги ишонч даражасига ҳам таъсир кўрсатган. Масалан:

- А даражали ташкилотлар буюртмалар сонида 42% ўсишга эришган;
- шу билан бирга, С ва Д даражали ташкилотларда буюртмалар 27% га камайган;
- мижозларнинг 65%и баҳоловчини танлашда рейтинг натижаларини ҳисобга олганини билдирган;

- А даражали ташкилотлар хизматлари ўртача 34% қиммат бўлишига қарамадан, ишонч даражаси 1,7 барабар юқори деб баҳоланган.

Бу каби натижалар рейтинг тизимининг нафақат шаффоф баҳолашни таъминлашда, балки сифатли хизмат кўрсатувчи ташкилотлар учун бозорда янги имкониятлар яратишда ҳам самарали механизм эканини кўрсатади.

Рейтингнинг ижобий таъсири шундаки, у сифатли ташкилотларни рақобатбардош ҳолатга келтиради ва бозорда ҳақиқий қиймат асосида тенг шароитда курашиш имконини яратади. Натижада, бозордаги демпинг ва ёлғон баҳолаш ҳолатларини қисқартириш, мижозлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва умумий ишонч муҳитини шакллантириш имкони пайдо бўлади.

6-жадвал

Рейтинг таъсирида бозордаги ўзгаришлар (2024 йил ИИ ярим йиллик)

Кўрсаткичлар	А даража	С-Д даража	Тафовут (%)
Буюртмалар сони ўсиши (%)	+42%	-27%	69%
Нархи бўйича ўртача фарқ	-	-	34%
Мижозлар ишонч даражаси (сўровнома)	1,7	-	-
Рейтинг асосида ташкилот танлаш (%)	-	-	65%

Пилот лойиҳа доирасида жорий этилган рейтинг тизимининг бозордаги таъсири таҳлил қилинганда, (6-жадвал) А даражали ташкилотлар томонидан буюртмалар сонида 42% ўсиш қайд этилгани эътиборга лойиқ ҳолатдир. Энг қизиғи шундаки, ушбу ташкилотлар томонидан тақдим этилган баҳолаш хизматларининг ўртача нархи рақобатчиларга нисбатан 34% га қимматроқ бўлса-да, мижозлар ишончи 1,7 барабар юқори эканлиги аниқланган.

Бу ҳолат шуни кўрсатадики, мижозлар томонидан баҳолаш ташкилотини танлашда нарх мезони иккинчи даражали бўлиб бормоқда, асосий эътибор эса ташкилотнинг ишончлилиги, малакалилиги ва хизмат сифатининг барқарорлигига қаратилаётир.

Шу билан бирга, юқори рейтингли ташкилотлар томонидан хизмат кўрсатишда мижозлар билан самарали мулоқот, ҳужжатлар шаффофлиги ва холис баҳолаш механизмларига риоя этилиши уларнинг бозорда мустаҳкам позиция эгаллашини таъминламоқда. Бу эса рейтинг тизимининг нафақат шаффофликни таъминлаш, балки бозордаги сифатли рақобат муҳитини шакллантиришдаги ижобий самарасини кўрсатади.

Бошқача қилиб айтганда, сифатли хизматлар, юқори малака ва ишончли бренд обрўси мижозлар учун нархдан кўра муҳимроқ бўлиб бормоқда. Бу тенденция баҳоловчилар учун сифатни оширишга қаратилган инвестицияларни амалга оширишга кучли рағбат бўлиб хизмат қилади.

7-жадвал

Давлат буюртмаларида қатнашиш (рейтингига қараб)

Рейтинг даражаси	Давлат буюртмаларида иштирок (%)
А	78%
В	59%
С	34%
Д	12%

Манба: статистик маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

Пилот лойиҳа натижалари шуни кўрсатдики, (7-жадвал) рейтинг даражаси нафақат тижорий бозорда, балки давлат буюртмаларида иштирок этишда ҳам муҳим танлов мезони сифатида шаклланимоқда. Таҳлилларга кўра, А даражали ташкилотлар давлат тендерларида энг фаол иштирок этувчи гуруҳ ҳисобланади – уларнинг 78% давлат буюртмаларида қатнашган. Бу кўрсаткич В даражали ташкилотларда 59%, С даражали ташкилотларда 34%, Д даражадагиларда эса бор-йўғи 12% ни ташкил этди.

Бу ҳолат давлат буюртмаларини ажратишда ҳам сифат, ҳам шаффофлик, ҳам ташкилотнинг ишончлилигига катта аҳамият қаратилаётганини англатади. Рейтинг даражаси юқори бўлган ташкилотлар одатда:

- мукамал техник базага;
- малака ва сертификатга эга ходимларга;
- шаффоф ва аниқ ҳужжатлаштириш жараёнига;
- ҳамда мижозлар билан самарали ишлаш тажрибасига эга бўлади.

Бу эса давлат томонидан ишончли ижрочини танлашда асосий мезон сифатида рейтингни қабул қилишга олиб келмоқда. Рейтинг даражасининг тендерларда иштирок этиш имкониятларига бевосита таъсири – ташкилотларнинг ўз фаолиятини такомиллаштиришга, сифатли хизмат кўрсатишни устувор вазифа қилиб белгилашига кучли туртки бермоқда.

Юқоридагилардаг келиб чиқиб, Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, баҳоловчи ташкилотларни рейтинг ва рэнкинг асосида баҳолаш тизими соҳага сифат ва рақобат тамойилларини жорий этишда самарали восита бўлиб хизмат қилмоқда. Рейтинглаштириш орқали хизматлар сифатини аниқ мезонлар асосида баҳолаш, уларни баҳолаш натижаларига кўра гуруҳлаш ҳамда бозор иштирокчиларига шаффоф ахборот тақдим этиш имкони яратилди.

Таҳлил натижаларига кўра:

- Мижозлар томонидан ташкилот танлашда рейтинг асосий мезонга айланмоқда, сўровномада қатнашганлардан 65% айнан рейтинг натижаларига асосланган ҳолда баҳоловчи ташкилотни танлашини билдирган;
- Давлат буюртмаларида иштирок этишда ҳам рейтинг муҳим рол ўйнамоқда, хусусан, А даражали ташкилотларнинг 78% давлат тендерларида қатнашган;
- Рейтинглаштириш сифатли хизмат кўрсатувчи ташкилотлар учун бозордаги имкониятларни оширмоқда, бу эса уларни малакали кадрлар жалб қилиш, техник базани яхшилаш, мижозлар билан муносабатни кучайтириш каби омилларга эътибор қаратишга ундамоқда.

Тавсиялар:

1. Рейтинг тизимини миллий миқёсда жорий этиш ва доимий равишда янгилаб бориш механизминини ишлаб чиқиш;
2. Баҳоловчи ташкилотлар учун малака ошириш курсларини мажбурий тарзда жорий этиш, хусусан — ИСО, ИВСС ва бошқа халқаро стандартлар асосида;
3. Мижозлар қониқиш индекси асосида мустақил мониторинг механизмларини шакллантириш;

4. Демпинг ҳолатларини чеклаш учун баҳолаш хизматлари учун минимал стандарт нархлар тизимини жорий этиш;

5. Техник ресурслар ва ИТ платформалар асосида онлайн баҳолаш платформаларини йўлга қўйиш, баҳоловчи ташкилотлар рейтингини жамоатчиликка ошқора тақдим этиш.

Умуман олганда, рейтинг ва рэнкинг тизимини амалиётда кенг қўллаш орқали нафақат хизмат сифати ошади, балки бутун соҳа юзасидан ишонч, шаффофлик ва ҳалол рақобат муҳити таъминланади.

Хулоса ва таклифлар.

Янги Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар ва бозор муносабатларининг тараққиёти ҳар бир соҳада ўзгаришлар ва янги имкониятларни тақдим этмоқда. Бундан ташқари, рақобат муҳитини шакллантириш ва фаолиятнинг шаффофлигини таъминлаш, мамлакатдаги иқтисодий тараққиётнинг муҳим компонентларидан бирига айланмоқда. Баҳоловчилар рейтингини баҳолаш ва рэнкингини аниқлаш жараёнлари, махсуслаштирилган баҳолаш хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар орасида ҳалол ва адолатли рақобат муҳити яратишда асосий омил бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда баҳоловчилар рейтингини ва уларнинг фаолиятини аниқлаш орқали, баҳоловчи компаниялар орасидаги ҳалол рақобатбардошлиликни рағбатлантириш, бозордаги ишончни ошириш ва хизматлар сифатига бўлган талабни қаноатлантириш мақсад қилинган. Бундай йўналишлар, ўз навбатида, ишончли, шаффоф ва самарали баҳолаш тизимларининг шаклланишига, иқтисодий бозорларнинг энг юқори стандартлар бўйича ривожланишига хизмат қилади.

Юқоридаги олиб борилган тадқиқот натижалари бўйича қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Баҳоловчилар рейтингини баҳолаш ва рэнкингини аниқлаш орқали хизмат кўрсатиш бозоридаги рақобат ва шаффофликни таъминлаш мумкин. Рейтинглаш механизми баҳоловчиларнинг иш сифати ва жавобгарлигини ошириб, умумий хизматларнинг янада ўсишига олиб келади. Бу жараён аҳолига сифатли ва профессионал хизматлардан фойдаланиш имконини беради.

2. Баҳоловчилар рейтингини тузиш орқали ташкилотлар ўртасидаги рақобатни кўтариш мумкин. Рағбатланган ва профессионал баҳоловчилар энг яхши хизматларни тақдим этишга интилади, бу эса уларнинг бозордаги мавқеига ижобий таъсир кўрсатади.

3. Баҳоловчилар рейтингини тузиш орқали ташкилотлар ўртасидаги рақобатни кўтариш мумкин. Рағбатланган ва профессионал баҳоловчилар энг яхши хизматларни тақдим этишга интилади, бу эса уларнинг бозордаги мавқеига ижобий таъсир кўрсатади.

4. Рейтингнинг юқори натижаларига эга бўлган баҳоловчиларга мукофотлар ва рағбатларни тақдим этиш орқали рақобатни янада кучайтириш мумкин. Бу, ўз навбатида, иш сифатининг яхшиланишига ва хизматларнинг барқарор ривожланишини таъминлайди.

5. Баҳоловчиларнинг рейтингини баҳолаш ва рэнкингини аниқлаш бўйича ҳуқуқий рамакаларни ишлаб чиқиш муҳим. Давлат органлари, хусусан, иқтисодиёт ва рақобатбардошликни назорат қиладиган органлар рейтинглаш тизимининг асосий қоидаларини белгилашлари керак. Бу қонунлар ва механизмлар баҳоловчиларнинг ишини юқори даражада назорат қилиш имконини беради ва мутлақ шаффофликни таъминлайди.

6. Баҳоловчи ташкилотлар учун малака ошириш курсларини мажбурий тарзда жорий этиш, хусусан — ИСО, ИВСС ва бошқа халқаро стандартлар асосида ташкил этиш.

7. Демпинг ҳолатларини чеклаш учун баҳолаш хизматлари учун минимал стандарт нархлар тизимини жорий этиш.

8. Техник ресурслар ва ИТ платформалар асосида онлайн баҳолаш платформаларини йўлга қўйиш, баҳоловчи ташкилотлар рейтингини жамоатчиликка ошкора тақдим этиш.

Юқорида келтирилган барча фикрлар мамлакатимизда баҳоловчилар рейтингини баҳолаш ва рэнкингини аниқлаш жараёнлари орқали уларнинг баҳолаш хизматлари бозоридаги ҳалол рақобатбардошлилиги оширилади. Модернизацияланган рейтинглаш тизимлари ва халқаро стандартларга асосланган аккредитация тизимлари соҳадаги шаффофликни таъминлайди, рақобатни рағбатлантиради ва умумий хизмат сифатини оширади.

Адабиётлар/Литература/References:

Gibbons R. (1998) *"Incentives in Organizations"*. 336 p.

Porter M. (1980) *"Competitive Strategy: Techniques for Analyzing Industries and Competitors"*. Free Press. 396 p.

Абдурахмонов Р. ва Азизов Д. (2020) *"Иқтисодий Рақобат ва Халқаро Бозор: Ўзбекистон Мисолида"*. O'zbekiston Milliy Universiteti Nashriyoti. 2312-бет.

Рыбаков В. (2015) *"Экономическая конкуренция и устойчивое развитие"*, КГУ дом публикации. 235 стр.

Сухарев В. (2016) *"Стратегический менеджмент и конкуренция в современной экономике"*. Академия, 287 стр.

Ташпулатов Г.Т. (2020) *Ўзбекистондаги баҳоловчи ташкилотлар рейтинги ва рэнкингини баҳолашнинг принципи ва методологияси. // "Молия ва Банк иши" БМА илмий электрон журнали. №5, октябр. – б.18-26. www.journal.bfa.uz.*

Ташпулатов Г.Т. (2023) *"O'zbekistonning xalqaro reyting va indekslardagi o'rnini yaxshilash muammolari: nazariya, amaliyot va strategiya"* mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallar to'plami. 2023-yil 17 noyabr. 230-236 b.

Ташпулатов Г.Т. (2024) *Ўзбекистондаги баҳоловчи ташкилотлар рейтинги ва рэнкингини баҳолашда комплекс ёндашувнинг қўлланилиши таҳлили. "Aktuar moliya va buxgalteriya hisobi" ilmiy jurnali 2024, 4(04), b. 513-522.*

Фармон (2020) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рақамли Ўзбекистон-2030" стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш тўғрисида" 2020 йил 05 октябрдаги №ПФ-6079-сон фармони.*

Фармон (2023) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон-2030" стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида" 2023 йил 11 сентябрдаги №ПФ-158-сон фармони.*